

ориентир студентов на удовлетворение разнообразных интересов к художественной культуре Узбекистана в самостоятельном целеопределённом познавательном процессе;

расширение и углубление знаний в сфере художественной культуры Узбекистана, необходимых при этом умений, навыков и способностей, в том числе, творческих;

развитие самостоятельности, индивидуальных способностей, пробуждение творческого потенциала личности студентов;

расширение круга интересов к художественной культуре Узбекистана, отдельных к художественным ценностям Узбекистана;

внимание личности студентов, их индивидуально-творческим проявлениям;

выполнение студентами различных видов заданий, поручений, интеллектуально-творческих работ - заданных, по интересу, требующих знания художественной культуры и художественных ценностей Узбекистана, активной самообразовательной деятельности;

предложение студентам индивидуально-потребностных, групповых, коллективных и общественных работ по интересу и предпочитаемой деятельности по способности;

развитие у студентов качеств личности, формируемых в исследуемом процессе;

предоставление студентам возможности актуализировать и социализировать свои знания в художественной культуре Узбекистана, свои интересы к художественным ценностям Узбекистана, национально-художественному наследию Узбекистана на коммуникативно-диалоговом и познавательно-просветительском уровне в студенческих аудиториях;

создании студентам условий для совершенствования своей художественной культуры Узбекистана, художественной культуры в целом;

обеспечение условий для развития личности студентов.

Педагогический процесс, требования к нему.

«Педагогический процесс характеризуется уровнями организации, управления, продуктивности (эффективности), технологичности, экономичности...»[4:168]. «Педагогический процесс - внутренне связанная совокупность многих процессов, суть которых состоит в том, что социальный опыт превращается в качества формируемого человека» [4:169].

Разработаны требования к педагогическому процессу.

Основные требования к педагогическому процессу:

выделение в педагогическом процессе доминирующих и сопутствующих функций, органически неразрывных;

определение специфики педагогического процесса во взаимосвязи с формами и методами достижения цели, контроля;

соблюдение в педагогическом процессе его важной закономерности: единства чувственного, логического и практики;

соблюдение системно-комплексного, структурно-компонентного, целесодержательного, целостно-общего

подсистемного процесса – всеобъединяющей системы, в которой едины процессы «формирования, развития, воспитания и обучения вместе со всеми условиями, формами и методами их протекания»;

внимание к структурно-содержательной основе педагогического процесса, ее элементам (компонентам), их взаимосвязи и взаимообусловленности;

помнить, что в педагогическом процессе главное – преподаватель, студенты – условия, а также – цели, задачи, содержание, методы, формы взаимодействия преподавателя и студентов, достигаемые при этом результаты (т.е. такие компоненты, как целевой, содержательный, организационно-управленческий - деятельностный, результативный;

важно, чтобы педагогический процесс был вариативен, творчески организован, педагогически компетентен и отвечал социально-педагогической цели; в центре внимания был объект этого процесса - развивающаяся личность(ти) в соответствии с общей целевой установкой;

акцентуация внимания главным этапам педагогического процесса: подготовительному (1) и основному (2):

1.Целеполагание, диагностика условий, прогнозирование достижений, проектирование и планирование процесса;

2.Прояснение условий и обстоятельств, в которых предпринимается педагогический процесс; прогнозирование хода и результатов процесса.

Следует остановиться на основном этапе педагогического процесса – это определенная система с целесообразно взаимосвязанными элементами: «постановка и разъяснение целей и задач предстоящей деятельности; взаимодействие педагогов и обучающихся; использование намеченных методов, средств и форм педагогического процесса; создание благоприятных условий; осуществление разнообразных мер.

Теоретико-педагогические основы формирования интереса студентов к художественной культуре - художественным ценностям Узбекистана в национально-художественном наследии Узбекистана разработаны на основе не только соответствующих теоретико-педагогических позиций и психологических аспектов, но и с учетом специфики, особенностей, обще и конкретно-предметной характеристики художественной культуры Узбекистана, ее компонентов, художественных ценностей Узбекистана, в частности.

Разработанные теоретико-педагогические позиции, положения и ориентиры формирования исследуемого интереса студентов – теоретико-педагогическая основа практического решения проблемы формирования интереса у студентов к художественной культуре Узбекистана.

Художественные ценности Узбекистана, представляющие важную основу художественной культуры Узбекистана, - фактор не только совершенствования художественной культуры личности, но и личностного развития в целом, в том числе, профессионального (в первую очередь, для будущих преподавателей (учителей) гуманитарного профиля.

#### Литература

1. Каримов И.А. Узбекистан: свой путь обновления и прогресса.- Т.: 1996. Собр. соч. Т.1
2. Каримов И.А. Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. – Т.: «Шарк», 1997. –С. 63.
3. Национальная программа по подготовке кадров // Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. /Сб. док. – Т.: «Шарк», 1997. - С. 32-61.
4. Подласый И.П. Педагогика. Учебник для студентов высших учебных заведений. – М.: «Владос», 2007. – С. 168.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу ишда талабаларнинг Ўзбекистон бадиий маданиятига қизиқишини шакллантиришнинг назарий педагогик асослари, унинг талабаларни тарбиялашдаги ўрни ва йўналиши қўриб чиқилган.

#### РЕЗЮМЕ

В работе рассматриваются теоретико-педагогические позиции, положения и ориентиры формирования исследуемого интереса студентов к художественной культуре Узбекистана

#### SUMMARY

The article deals with the theoretical-pedagogical positions, statements and directions of forming the students' interests towards the culture and art of Uzbekistan.

#### БОЛАЛАР ИҚТИДОРИНИ ЭРТА АНИҚЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Т.Аймухаммедова** - катта ўқитувчи

Қорақалпоғистон Республикаси ХТХҚТМОИ

**Таянч сўзлар:** иктидор, интеллект, қобилият, актуал қобилият, шахс, потенциал қобилият, билиш, имконият, истеъдодлилик, муваффақият.

**Ключевые слова:** одарённость, интеллект, актуальные способности, потенциальные способности, личность, интеллектуальный потенциал, знание, талантливость, успех.

**Key words:** giftedness, intelligence, actual ability, potential ability, personality, intellectual capacity, knowledge, talent, success.

Мамлакатимизнинг энг устувор вазибаларидан бири-баркамол авлодни шакллантиришдан иборат. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: «Биз мамлакатимизнинг истикболи - ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий ғазилатлар эғаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига,

қандай олий максадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак» [1]. Шунга кўра болалар иктидори долзарб масалалардан ҳисобланади. Иктидорли одамлар миллатнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Тараққиётнинг юксалиши иктидорли шахсларнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

Инсон шахси ва унинг характери, шу билан бирга қизиқиш ва қобилиятлари болалиқнинг илк йиллариданоқ шаклланиб боради. Болаларнинг келажагидан умидвор бўлган жамият бу жараёнга фаол аралашуви ва инсон шахсини камолга етказиш борасидаги вазифаларга психологик нуқтаи назардан ёндашиши лозим. Айниқса, боғча гуруҳидаги болаларнинг ақлий (жисмоний) имкониятлари уларнинг таълим-тарбиясига, интеллектуал салоҳият даражасига ҳамда шахслараро муносабатларига, бола характерининг шаклланишига, шунингдек гуруҳдаги руҳий муҳитга бевосита таъсир кўрсатади. Қобилиятлар муаммоси энг аввало инсон ақлу заковатининг сифати, ундаги малака, кўникма ва билимларнинг борлиги масаласи билан боғлиқ. Айниқса, бирор касбнинг эгаси бўлиш истигадаги ҳар бир ёшнинг ақли ва интеллектуал салоҳияти унинг малакали мутахассис бўлиб етишишини кафолатлагани учун ҳам психологияда кўпроқ қобилият тушунчаси ақл заковат тушунчаси билан боғлаб ўрганилади. Бундан келиб чиқадики, болалар шахсини ривожлантиришда таълим-тарбиянинг роли ҳамда оила, ижтимоий муҳит ва биологик омилларнинг таъсирини ўрганиш долзарб муаммолардан биридир.

Иктидор - бу инсон психикасининг бутун умр давомида тизимли ривожланувчи сифати бўлиб, инсоннинг бошқа одамларга нисбатан бир ёки бир неча соҳада юқори натижаларга эришиш имконига эга эканлиги билан белгиланади [2].

Психологик луғатда “иктидор” тушунчаси қуйдагича таърифланади

1) иктидор бу - фаолиятнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайдиган қобилиятларнинг ўзига хос уйғунлашувидир;

2) иктидор бу - инсоннинг имкониятлари доираси, фаолиятлари даражаси ва ўзига хослигини белгилайдиган умумий қобилиятлар;

3) иктидор бу - ақлий потенциал, таълим олиш қобилияти ва билиш имкониятларининг бир бутун индивидуал хараakterистикаси;

4) иктидор бу - табиат томонидан инъом этилган қобилиятлар, қобилиятлар табиий асосларининг ўзига хослиги ва уларнинг намоён бўлиши даражалари;

5) иктидор бу - истеъдодлилиқ, фаолиятда юқори натижаларга эришиш учун ички имконият ва шароитларнинг мавжудлиги.

Ушбу тавсифлардан келиб чиққан ҳолда, шунини таъкидлаш мумкинки, иктидор асосида умумий интеллектуал ва инсоннинг билиш имкониятларини белгилайдиган, табиат томонидан инъом этилган қобилиятлар, бирор бир фаолиятда (масалан, таълим, ижодий, касбий, илмий) муваффақиятга эришишни таъминлайдиган махсус қобилиятлар ётади.

Иктидорли болалар бу умумий ва махсус қобилиятларни ўзига мужассам этган болалардир. Улар бошқа болалардан қуйдагича белгилари билан ажралиб турадилар [6]:

- қизиқувчанлиги;
- доимо турли саволларга жавоб ахтарилиши;
- нуқта, тафаккур, хотирасининг тез ривожланиши;
- эрта ёшдаёқ мусиқа, расм чизиш, китоб ўқиш, математикага қизиқиш;
- юқори даражадаги билиш фаоллиги ва ўқув фаолияти;
- масалаларнинг ечимини топишда мақсадга интилувчанлик ва оригиналлик;
- тафаккурнинг унмдорлиги;

Эрта ёш даврлар - мактабгача ва кичик мактаб ёшида иктидор умумий ҳамда универсал қобилият сифатида кўрилиши ва ривожланиши мумкин. Вақт ўтиши билан бу “умумий қобилият” ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб маълум бир йўналишни белгилайди. Айни вақтда бу иктидор бола томонидан қай даражада намоён бўлаётганлигига эътибор қаратиш керак бўлади[3]. Аниқ намоён бўлган, яъни психолог, педагог, ота-оналар томонидан эътибор берилган қобилият “ақтуал”, атрофдагилар пайкамайдиган қобилият “потенциал” қобилият дейилади. Кўпгина машхур олимлар, бастакорлар, рассом ва ёзувчилар (масалан, ёш В.А.Моцарт, Ф.Гальтон, И.Мечников, К.Гаусс, Н.Виннер, Г.Лейбниц, В.Гюго) эрта ёшдаёқ ўзларининг қобилиятларини намоён қилганлар. Ва, ақсинча, кўп ҳолларда болаликда ҳеч қандай иктидорга эга бўлмаган болалар етуқлик даврида муваффақиятларга эришишлари мумкин. Бу ақлий потенциалга кўпинча атрофдагилар эътибор бермасликлари мумкин. Табиийки, ҳар бир ҳолатда иктидорни пайкамасликнинг сабаблари турлидир. Потенциал қобилият ҳақиқатдан ҳам маълум бир вақтгача намоён бўлмагандир. Балки, ота-оналар педагоглар ва катталар томонидан бола қалбининг нозик харақатларидаги ўзгаришларга етарлича

аҳамият берилмагандир, интуитив ҳолда буни пайкамагандирлар ёки билимлари етмагандир. Ёки ақсинча, бу нарсаларни тушунмаганликлари сабабли боладаги буюқ потенциал имкониятларни сезмаганлар, ва ҳаттоки, бу ижодкорликни, интеллектуал ташаббусни негатив хусусият сифатида қабул қилганлар. Бошқа, хусусиятларни эса қадрлироқ деб ҳисоблаганлар, яъни, ҳаммамизга шахсий тажрибамиздан маълумки, тиришқоқлик, итоаткорлик, саранжом-саришталик каби ҳислатларни фикрлар оригиналлиги, дадиллик, харақатлардаги ва мулоҳаза юритишдаги мустақилликдан устун қўядиган ота-оналар, ўқитувчилар, олий ўқув юртлари профессор ўқитувчилари, раҳбарлар учрайди. Америкалик олимлар томонидан 400 га яқин таниқли одамларнинг таржимаи ҳоли ўрганиб чиқилганда улардан 60 фоизи мактаб таълими даврида жиддий муаммоларга дуч келганликлари аниқланди. Ақтуал ва потенциал қобилиятлар тушунчасининг мавжудлиги ривожланиши олдиндан тахмин қилиш муаммосини муҳим деб ҳисоблайди. Илм-фандаги аъёналар шундайки, ақл ва идрок масаласи, одамнинг интеллектига боғлиқ сифатлар жуда кўплаб тадқиқотлар объекти бўлган [6].

Ч.Спирмен факториал анализ методи ёрдамида юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар ўртасида боғлиқлик борлигини исбот қилиб, ақлнинг ҳақиқатан ҳам мураккаб тузилмага эга бўлган психик хусусият эканлигини кўрсатди. Бошқа бир олим Дж.Гильфорд эса ақлни бир қатор ақлий операциялар (анализ, синтез, таққослаш, мавхумлаштириш, умумлаштириш, системага солиш, классификация қилиш) натижасида намоён бўладиган хусусият сифатида ўрганишни таклиф этган. Бу олимлар ақл сўзидан кўра интеллект сўзини кўпроқ ишлатиб, бу сўзнинг ўзига хос талқини борлигига эътиборни қаратганлар. Чунки уларнинг фикрича, интеллектуал потенциалга эга бўлган шахснигина қобилиятли, деб аташ мумкин. Интеллектуал потенциал эса бир томондан ҳаётдаги барча жараёнларга, бошқа томондан шахсга бевосита алоқадор тушунча сифатида қаралган ва унинг аҳамияти шундаки, у борлиқни ва бўладиган ҳодисаларни олдиндан башорат қилишга имкон беради. Шу ўринда «интеллект» сўзининг лўғавий маъносини тушуниб олайлик. Интеллект латинча сўз intellectus - тушуниш, билиш ва intellectum - ақл сўзлари негизидан пайдо бўлган тушунча бўлиб, у ақл-идрокнинг шундай бўлагики, уни ўлчаб, ўзгартириб, ривожлантириб бўлади. Бу - интеллект ва у билан боғлиқ қобилиятлар ижтимоий характерга эга эканлигидан дарак беради [2]. Дарҳақиқат, қобилиятлар ва интеллектга бевосита ташки муҳит, ундаги инсоний муносабатлар, яшаш даври таъсир кўрсатади. Буни биз бугунги кунимиз мисолида ҳам кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Янги авлод вакиллари-кечагагини XXI аср билан боғлаган ўғил-қизларнинг интеллект даражаси уларнинг ота-боболариникидан анча юқори. Ҳозирги болалар компьютер техникасидан тортиб, техниканинг барча турлари жуда тез ўзлаштириб олмоқда, жаҳон тилларидан бир нечасини билиш кўпчилиги учун муаммо бўлмай қолди, минглаб топшириқлардан иборат тестларни ҳам ёшлар ўзлаштиришда қийналмаяптилар. Қолаверса, оила муҳитининг ақл ўсишига таъсирини ҳамма билса керак. Агар бола оилада илк ёшлигидан маърифий муҳитга тарбияланса, унинг дунёқараши кенг, хоҳлаган соҳа предметларидан бериладиган материалларни жуда тез ва қийин-чиликсиз ўзлаштира олади, ҳаттоки, бундай болага олий ўқув юртида бериладиган айрим предметлар мазмуни ҳам ўта тушунарли, улар янада мураккаброқ масалаларни ечишни хоҳлайди.

Шахснинг қандай сифатлари ва характер хусусиятлари, феъл-атворидаги ва фаолиятидаги фазилатлари катталарга келажакда боланинг буюқ олим, рассом ёки давлат арбоби бўлиши мумкинлигини аниқлашга ёрдам беради. Бу саволга жавоб топиш бирмунча мушкулдир. Психологлар боланинг келажакни “башорат” қилиш имконини берадиган қатор қонуниятларни белгилаб берганлар, лекин асосланган прогнозлар беришга ҳали эришилгани йўқ. Шу билан бирга жаҳон педагогика ва психологияси соҳасидаги тажриба шуни кўрсатадики, боланинг имкониятларига ишончнинг педагоглар ва ота-оналарнинг маҳоратига йўғрилганлиги мўъжизалар содир этишга қодир. Баъзи ҳолларда ҳаётда инсонга табиат томонидан берилган қобилиятдан ҳам кўра у ана шу хусусиятни қандай ривожлантира олгани муҳимдир [2].

Иктидорли болаларни аниқлаш давомий жараён бўлиб, шахснинг ривожланишини чуқур таҳлил қилиш билан боғлиқ. Бунда қатор психологик-педагогик талаблар мавжуд [5].

– боланинг ўзини тутиши ва фаолиятини комплекс баҳолаш, бунда имкон қадар кўпроқ боланинг қобилиятлари ва турли ахборот манбаларидан фойдаланиш;

– идентификациялаш (ўхшатиш) жараёнининг давомийлиги (турли вазиятларда боланинг ўзини тутишини кузатиш);

– боланинг қизиқиш ва лаёқатларига мос келадиган фаолият доирасида ўзини тутишини таҳлил этиш (махсус ташкил этилган ўйин-машғулотларга жалб этиш);

– боланинг фаолиятига эксперт баҳо бериш (расмлари, ёзган шеърлари, техник моделлари, математик масалаларни ечиш усуллари.), бунда юқори малакали соҳага оид эксперт-мутахассисларни (математиклар, филологлар, шахматист ва муҳандислар) таклиф этиш.

– ҳар бир боланинг индивидуаллигини ҳисобга олган ва турли психодиагностик методикаларни қўллаган ҳолда ташхис қилишнинг кўп босқичли ва такрорий усулларида фойдаланиш;

– ташхис ишларини реал ҳаёт ва фаолият доирасида (кузатиш, суҳбат, ўқитувчилар ва ота-оналарнинг эксперт баҳоси) амалга ошириш.

Иктидорли болаларни аниқлашда шу ёш даврдаги иктидорнинг ривожланиши даражасини, иктидорнинг турли фаолият доирасида амалга ошириш хусусиятларини, бола ривожланишининг потенциал имкониятларини дифференциация (табақалаштириш) қилиш талаб этилади.

Боғча ёшидаги болалар шахсининг шаклланишига кўра, бу даврни 3 босқичга ажратиш мумкин:

- биринчи давр - 3- 4 ёш оралиғида бўлиб, эмоционал жихатдан ўз-ўзини бошқаришнинг мустақамланиши билан боғлиқдир;

- иккинчи давр - 4- 5 ёшни ташкил қилиб, ахлоқий ўз-ўзини бошқара олиш билан боғлиқ;

- учинчи давр эса, шахсий ишчанлик ва тadbиркорлик хусусиятларининг шаклланиши билан тавсифланади.

Шунинг учун ҳам мактабгача ёшидаги бола шахсини тадқиқ қилиш жуда мураккаб жараёндир, чунки кўпгина шахсни тадқиқ қилиш методлари, катта ёшли одамларга мўлжалланган ва болани ўз-ўзини таҳлил қилиш имкониятларига асосланмаган. Бундан ташқари психодиагностика ёрдамида ўрганадиган шахс сифатлари мактабгача тарбия ёшида тўлиқ шаклланмаган ва бекарордир. Болалар психодиагностикаси ихтиёрида факат махсус проектив методлар, яъни боланинг ютукка эришиш мотивлари ва хавотирланиш ҳолатларини ўрганиш методлари мавжуддир ёки шахс сифатларини баҳолашда эксперт методларидан фойдаланиш мумкин. Бунда болани яхши биладиган катталар, тарбиячилар, ота-оналар эксперт сифатида майдонга чиқадилар. Факат ана шундай тарзда болани шахс сифатларига баҳо бера олиш имкониятларига эга бўламиз [4].

Бизга маълумки, интеллектуал тестлар одамнинг ақлий фаолиятнинг ривожланганлик даражаси ва уларнинг алоҳида когнитив процессларини (идрок диққат, ҳаёл, хотира, нутк) баҳолашда қўлланилади. Қуйида мактабгача ёшдаги болаларнинг билиш жараёнлари, ижодий (креатив) қобилияти ҳамда болаларда фаолиятнинг бирор соҳасидаги иктидорни аниқлаш бўйича бир қатор тестлар, шунингдек ушбу ёшдаги болаларда билиш жараёнларини ривожлантириш бўйича машғулотлар ҳамда ота-оналар учун маслаҳатлар тақдим этилади.

Фарзандингиз иктидорли бўлса.

Иктидорли болаларнинг ота-оналари билан суҳбатлашганда улар фарзандларининг барча соҳаларда биринчи бўлиши каби ҳохишларини таъкидлайдилар. Масалан, она “менинг фарзандим қобилиятли бўлса-ю, нима учун ўқишни ҳоҳламайди?” деган саволни бериши мумкин. Баъзида шундай ҳолатлар бўладики, ота-оналар болани ҳаддан ташқари бирор бир машғулот билан шуғулланишга мажбур қилишлари, болада ана шу фаолиятга нисбатан нафратни уйғотиши мумкин, чунки айна вақтда бола бошқа машғулотларга қизиқаётган бўлиши мумкин. Бирор муддат вақт ўтса, боланинг ўзи ихтиёрий равишда бу машғулотга қизиқиб қолади.

Психологлар шуни таъкидлайдиларки, агар узок вақт иктидорли боланинг интеллектуал ёки ҳаракат эҳтиёжлари қондирилмаса, бу боланинг ҳис-туйғуларига путур етказиши ва невроз ҳолатларига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари иктидорли болаларнинг ота-оналари баъзида қизим ёки ўғлим ўз тенгдошларини ўзиб ўтиб, масалан 7 ёшида 3-синфда ўқишларига интилиш тўғримиқан, деган савол билан мурожаат этадилар. Ҳар бир ҳолат ўзига яраша ноёбдир, лекин шу ўринда боланинг ижтимоий ҳаётга мослашуви ҳақида унутмаслик керак. Ахир у бошқа, ўзидан катта болалар томонидан қандай қабул қилиниши маълум эмас-ку. У яққаланиб қолмасмикан?

Болангизнинг бошқалар билан мулоқотида ва мулоқотнинг ижтимоий кўникмаларини коррекция қилувчи

гуруҳий ўйинлар билан банд бўлишларига кўпроқ аҳамият беринг. Бундай ўйинларни ўтказишда фақатгина билиш жараёнларининг ривожланишига аҳамият бермасдан, балки бошқа болалар билан биргаликда ҳаракат қилишларига ҳам эътибор бериш керак.

Иктидор билиш, ўқув, ижодий, бадий, ҳаракатли фаолият соҳаларида намоён бўлади. Иктидорли боланинг ўқув фаолиятдаги ютуқлари унинг эрта ёшдан ўқишга бўлган интилишида намоён бўлади. Баъзида болалар 3-4 ёшида, катталарнинг ёрдамисиз мустақил равишда ўқий бошлайди. Бола китобларни томоша қилиши, расмлар асосида хикоя тузиши, ҳарфларни ёзиши, катталар ўқиётганда узок вақт сабр билан тинглаши, ўз ёшига мос бўлмаган математик амалларга қизиқиши, математик белги ва ишораларни тушуниб эслаб қолиши, баъзида табиатга, табиий фанларга қизиқишини ҳам намоён қилиши, турли предметларнинг келиб чиқиши ва уларнинг вазифаси ҳақида саволлар бериши мумкин. Бадий фаолият соҳасида бола ўзини эртарок намоён этади: эрта расм чизишни бошлайди, кўп вақтини, масалан пластилиндан турли нарсаларни ясашга ажратади, бунда ўзининг моҳирлигини намоён этиш орқали, ранглар, композицияларни тўғри танлай олади. Шунингдек, музикага ҳам эрта қизиқиш пайдо бўлади, музикаий товушларни ажрата олади.

Ҳаракатлантирувчи соҳадаги иктидор болада турли ҳаракатларни бажариш, яъни югуриш, сакраш турли акробатик машқларни бажариш, мувозанатни сақлай олишда намоён бўлади.

Бола турли ёки битта соҳада иктидорли бўлишига қарамай, мана шу табиат томонидан берилган қобилиятни ўз вақтида аниқлаб, унинг ривожланишига ёрдам беришимиз керак [5].

Агар фарзандингиз иктидорли бўлса, у ҳолда:

-унинг қизиқиши, ижодкорлигини, фикрлар оригиналлигини қўллаб-қувватланг;

- болани ҳеч қачон бирор бир нарсани нотўғри бажардинг деб қойиманг;

- боланинг ўз севимли машғулоти ёки ўйин турини танлашига ва ўз фикрини баён этишига имкон беринг;

- бола сизга эмас Сиз унга мослашингиз кераклигини унутманг;

- тенгдошлари ва катталар билан муносабатлардаги муаммоларни бартараф этишда ёрдам беринг;

- ўзи каби ҳар томонлама ривожланган дўстлари бўлишига аҳамият беринг;

- болангизнинг ҳар доим ҳам ғолиб бўлишига ортикча интиланг, акс ҳолда бошқа болалар, тенгдошлари уни ёмон кўриб қолишлари мумкин;

- уни ҳаддан ташқари мактаманг, иктидорли эканлигини ўзининг олдида гапирманг;

- боладан ҳар доим ва ҳамма соҳада биринчи бўлишини, мактабда эса аълочи бўлиши кераклигини талаб қилманг (чунки мактабда аъло баҳоларга ўқиш ҳар доим ҳам иктидорли бўлишга боғлиқ эмаслиги исботланган).

-боланинг ютуқларини эмас балки уни қандай бўлса шундайлигича яхши кўришингизни доимо фарзандингиз ҳис этсин;

-ҳеч қачон болага бошқалардан ёмонроқсан деб айта кўрманг, уни бошқа болалар билан таққосланманг;

-боланинг ҳар бир саволига имкон қадар рост ва сабр билан жавоб бериш лозим;

-ҳар куни фарзандингиз билан ёлғиз қолиш учун вақт ажратишга ҳаракат қилинг;

-болани фақатгина тенгдошлари билангина эмас балки катталар билан ҳам эркин ва бемалол мулоқот қила олишга ўргатинг;

-у билан ғурурланишингизни таъкидлашдан уялманг;

-болага нисбатан ўз ҳиссиётларингизни баҳолашда ростгўй бўлинг;

-болага ҳар доим рост гапиринг, агар бу сиз учун фойдасиз бўлса ҳам;

-болани айби учун жазоламоқчи бўлсангиз (масалан, бирор бир нарсани синдириб қўйса ёки кийимини ифлос қилиб келса) унга айна вақтдаги айби учун танбеҳ беринг;

-куч билан болага таъсир ўтказманг, мажбур қилиш боланинг маънавий тарбиясига, шахсини ривожланиши учун салбий таъсир кўрсатади;

-болангиз хато қилишга ҳақли эканлигини тан олинг;

-боланинг ёдида фақат бахтли онлар муҳрланиб қолишига ҳаракат қилинг;

-катталар болага қандай муносабатда бўлишса, бола ҳам ўзига худди шундай муносабатда бўлади;

-ҳеч бўлмаганда баъзи-баъзида боланинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг, ана шундагина болага қандай муносабатда бўлишингизни англаб етасиз.

Фарзандларимизнинг тарбиясига салбий ва ижобий таъсир этадиган юқоридаги фикрларга кундалик турмушимизда амал қилсак, келажак авлоднинг мустақил фикр эгаси, маънан ва ақлан баркамол бўлиб етишишига, давлат ва жамиятимизнинг равнақиға муносиб ҳисса қўшишиға эришамиз.

#### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI асрга интиломда. (1, б.23-24). -Ташкент: 1999.
2. Адашкина А.А., Битянова М.Р., Дружинин А.Н. и др «Психология одарённости: от теории к практике»/.; под редакцией Д.В.Ушакова. – М: 2000.
3. Адизова Т.М. Психологическая методика изучения личности учащихся в процессе общения. Методическое пособие. -Т.: ТГПУ, 2000.
4. Диагностика в детском саду. Содержание и организация диагностической работы в дошкольном образовательном учреждении. Методическое пособие. – Ростов на Дону: «Феникс», 2003.
5. Мочалова Н.М. Одарённость и ее развитие. – Уфа: 2000.
6. Юркевич В.С. Одарённый ребёнок: иллюзии и реальность. – М.: «Просвещение», 1996.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада болалар иқтидорини эрта аниқлашнинг аҳамиятли жиҳатлари, инсоннинг ақли ва интеллектуал салоҳияти, болалар шахсини ривожлантиришда таълим-тарбиянинг роли ҳамда оила, ижтимоий муҳит ва биологик омилларнинг таъсири ҳақида, уларни ўрганиш долзарб муаммолардан бири эканлиги ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, “иқтидор” тушунчаси, унинг маъноси ва унинг асосида нимага турганлиги ҳақида, иқтидорли болаларнинг бошқа болалардан фарқи, улар билан қандай ишлашиш кераклиги ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье обсуждается важность раннего выявления таланта, аспекты психологического и интеллектуального потенциала человека, приведены сведения об актуальности проблем изучения роли образования, семьи, социальной среды и биологических факторов в развитии личности ребёнка. Так же приводятся конкретные материалы об основе понятия “одарённость”, его смысл, отличия одарённых детей от их сверстников и работа с ними.

#### SUMMARY

The article discusses the importance of early detection of talent, and aspects of psychological and human intellectual potential, it provides information on the issues of studying the role of education, family, social environment and biological factors in the development of child's personality. The article contains concrete materials about the basis of the concept "talent", its meaning, the difference of gifted children from their peers and work with them.

## ҚАРАҚАЛПАҚ ХАЛЫҚ ПЕДАГОГИКАСЫ ТИЙКАРЫНДА МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ДӘЎИРДЕГИ БАЛАЛАРДЫҢ КРЕАТИВ ҚӘБИЛЕТИН РАҶАЖЛАНДЫРЫҰДА ЖУМБАҚЛАРДЫҢ ӘХМИЙЕТИ

**Г.Бекимбетова - үлкен оқытушы**

*Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириу хызметкерлерин қайта таярлау  
хэм олардың қәнигелигин арттыру институты*

**Таянч сўзлар:** халқ педагогикасы, сўз эркинлиги, топишмоқ, ўйлаш, билим, кўникма, ақлий ривожланиш, эътиборлилик, ижодкорлик.

**Ключевые слова:** народная педагогика, свобода слова, загадки, мысль, знание, умение, умственное развитие, внимание, креатив.

**Key words:** folk pedagogy, freedom of expression, riddles, thought, knowledge, ability, mental development, attention, creativity.

Адам баласы өмір бойы өзінің тәрбияға мүтәжлигин сезип жасайды. Соның ушын да ата-аналар, мектеп мугаллиimleri хэм жәмийетшилиик тәрпинен оларға бәрқулла тәрбиялық тәсир жасап келинеди [1:3]. Мектепке шекемги жастағы балаларда өзін қоршаған орталыққа қубылысларға, этирапындағы инсанларға болған итибар қәлиплесе баслайды. Олардың психологиялық раўажланыўында сөз, сөйлеу, пикирлеу, ойлау айрықша орынды ийелейди. Затлар менен қубылыслардың сыртқы көриниси олардың дыққатын өзіне күшли тартады. «Балалар үлкенлердин турмыс тәризи, туйғы сезимлери, өз-ара сәубет, қарым-қатнастың өзгешеликлери, өзіне хэм өзгелерге, этирап орталыққа мүнәсибтлери анык көринисинде орыналауы ушын түрли ойыншықлардан, сондай-ақ, олардың ўазыйпасын өтеуши нәрселерден де пайдаланылады» [2:36].

Бақша жасындағы балалар тәбиятына тән болған күшли зәрүрлик – оның хәр нәрсени жаңалық сыпатында көриуи, балада билип алыуға болған умтылыстың күшейип барыуы, баланың раўажланыўында баланың қызыкқан нәрсесин мүмкин болғанынша тереңирек билиуға хэм узак ўақыт есте сақлауға зерикпеуи нәтижесинде балада жоқары дәрежедеги интуицияның раўажланыўына тийкар болатуғын қәбилет қәлиплесе баслайды.

Бириншиден, бақша жасындағы балаларда турмыс тәжирийбесиниң көбейиуи. Екиншиден, бул дәўирде балалардың сөз эркинлиги жақсы раўажланып киятырғанлығы. Үшиншиден, балалардың жүдә көп эркин хәрәкетлер ислеу имканиятларына ийе болыуы болып табылады.

Белгили рус педагогларының мийнетлеринде инсанның бақша жасындағы дәўири сондай дәўир, бул дәўирде балада келеси өмиринде қандай характер өзгешеликлери пайда болыуын белгилейтуғын дәўир болып табылады деп атап өткен. Бундай ўақытта бақша жасындағы балаларға берилетуғын тәрбия баланың эркин искерлиги күшейе баслайтуғын дәўири болғанлықтан олардың қурамалы хәрәкетлерин раўажландыруу, әпиўайы гигиена, мәдений хэм мийнет укыпшылықларын пайда етиу, баланың ойлау хэм сөйлеу қәбилетлерин раўажландыруу, олардың социаллық, әдеп-иқрамшылық, эстетикалық талғамын пайда етиуді раўажландыруу керек болады.

Бала бул дәўирде бала тәрбиясы ушын керек болатуғын тәрбия түри қарақалпақ халық педагогикасы үлгилеринен пайдаланыу зәрүрликлери туўылады. Олардан: ертеке айтыуға, жаңылтпаш тийкарында тилди, сөйлеуді раўажландырууға, жумбақлар айтып, сол жумбақлардың шешимин табыуға қуштар болады. Себеби, бул дәўирдеги

хәр бир балада хәрәкетшенлик хэм үлкен инсанлар хәрәкетине еликлеушилииктиң басым болып келиуи, инсанлар хэм предметлер менен байланыста болыу, оларды өзлестириу, этираптағы әлем менен, олардың жәрдеминде әмелге асырылатуғын хәрәкетлер, тәрбия процесинде мотивация, баланың қәбилетлериниң раўажланыуы, балада дәретиушилигиниң өсип барыуына, этирапындағы үлкен жастағы инсанлардың жәрдеми тийкарында раўажланып барады.

Мине баладағы усындай педагогикалық-психологиялық халатларды есапка алған ҳалда бала тәрбиясы ушын үлкен әхмийет қарататуғын тәрбия түрлериниң бири бул баланың ойлауының раўажланыўында турмыс пенен байланыстырып шынығыулар ислетип барыудың әхмийети жоқары болып табылады. Бундай шынығыуларға қарақалпақ халық педагогикасының тийкаргы бағдарлары болған жумбақларды киргизсек болады. Мәселен:

Ақ сандығым ашылды,

Ишинен гүмис шашылды.

Жумбақларды балаларға айтып беріу хэм олардың жуўапларын шешіу пайытында балада төмендеги халатларды байқауға болады:

- Айтылған объект хэм субъект ҳаққында көз алдына келтиреді;

- Сол айтылған жумбақтың мазмун мәниси көлеми ҳаққында қыял етиуи пайда болады, балада билим хэм көнликпелер раўажланады;

- Жумбақтың мазмунындағы жанлы хэм жансыз хәдийсе баланың көз алдына сәўелеленеди;

Балаға сол айтып жасырлған жумбаққа жақын қубылысларды салыстыруу, еликлеулер, сол предметке жақын затларды көз алдына келтириуи тийкарында балада дәретиушилиик, этираптағы қубылыслар, инсанлар менен болатуғын байланыслар, инсанылық сезимлери қәлиплесе баслайды.

Мектепке шекемги балаладың ақлий жақтан раўажланыўына тәсири күшли болған тәрбия түри жумбақларды пайдалана отырып тәрбия түрлерин де итибарға алыуымыз керек болады.

Бириншиден, жумбақты хәрдайым балаларға айта бермеуимиз керек. Балалардың руўхый жақтан зорығыуы пайытында, оларды қандай да бир объектке бағдарлау, олардағы мотивацияны оятуға көбирек пайдаланылады.

Екиншиден, жумбақ айтқан ўақытта баланың жас өзгешеликлери есапка алынады. Себеби, қурамалы қыйын жумбақлар баланың ойлау процесинде қыйыншылық